O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди.**

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 20-sentabr • Payshanba • 117 (27.762) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1998 йилда қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари умуман муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этиб ўтилсин. Тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди, республикада соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилди.

Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилдики, бу тизим туман ва шаҳарларда энг юқори талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ва 173 та бўлимлардан ҳамда тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат бўлиб, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш ишлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази томонидан амалга оширилмоқда.

Жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда юқори малакали мутахассислар мураккаб, юқори технологик ноёб операцияларни амалга оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар содир бўлди — кам самарали фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва амбулаториялар ўрнига замонавий тиббий техника билан жиҳозланган 3,1 мингтадан кўпроқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиб, уларда малакали умумий амалиёт шифокорлари бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишмоқда.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг-марказларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилганлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Туғруқ муассасаларининг моддий-техник базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шифокорлар ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан ўзгартирилди — уларнинг иш ҳақи миқдорлари ва рағбатлантириш механизми бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва оғирлик даражасига, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасида моддий рағбатлантириш ва тиббий муассасани ривожлантириш жамғармалари ташкил қилинган. Натижада кейинги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи миқдорлари 2,2 баравар кўпайди.

Республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий сектор изчиллик билан шакллантириб борилмоқда — 1,7 мингдан кўпроқ юридик шахсларга хусусий тиббий амалиёт билан шуғулланиш ва 2,1 минг нафардан кўпроқ жисмоний шахсларга якка тартибдаги шифокорлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

Тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ислоҳ қилинмоқда — олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилди, Тошкент тиббиёт академияси ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш ташкил қилинганлиги принципиал янгилик ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натижада 1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди. Чечак, ич терлама, полиомиелит, бўғма, куйдирги, ўлат, вабо каби ва бошқа ижтимоий хавфли ҳамда юқумли касалликлар батамом тугатилди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш ва инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг биринчи навбатда вилоят ва туман бўғинларида профилактика ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамон ўз ечимини топган эмас.

Ҳанузгача стационар даволаш муассасалари улуши кўпчиликни ташкил этган соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ташкилий тузилмаси бесўнақай ва самарасизлигича қолмоқда. Соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари тиббиёт муассасалари фаолияти устидан етарлича ташкилий-услубий раҳбарликни таъминламаяптилар, юқумли касалликлар профилактикаси ва улар тарқалишининг олдини олиш бўйича тегишли санитария-эпидемиология назорати таъминланмаяпти.

Республикада нейрохирургия, кардиохирургия, онкология, гинекология ва акушерлик, ўткир ошқозон-ичак касалликлари ҳамда бошқа соҳаларда мураккаб, юқори технологик операцияларни ўтказиш бўйича алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ривожлантириш ниҳоятда зарур бўлиб, уларга нисбатан талаб-эҳтиёж юқори даражада қолмоқда.

(Давоми 2-бетда)



## ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ, ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

INTERNATIONAL UZBEK TASHKENT COTTON FAIR 2007

**Тошкентда 17-19 сентябрь кунлари IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси ҳамда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди.**

Ушбу икки халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ҳамда «Cotton Outlook» журнали, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва пахта толасини сертификатлаш «Сифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кимёвий тола ишлаб чиқарувчилар тобора кучли рақобатга киришаётганига қарамай, жаҳонда табиий тола — пахтага талаб ҳамон юқорилигича қолмоқда. Мутахассислар буни кўплаб ривожланаётган мамлакатларда турмуш даражаси муттасил ошиб бораётгани ва тўқимачилик маҳсулотларига эҳтиёж ортаётгани билан изоҳлашади. Дарҳақиқат, кундалик ҳаётда пахта хомашёсидан ишланган буюмлардан кўп фойдаланилади. Пахта бизнесининг кўлами нечоғли катта эканлиги шуларнинг ўзидан ҳам яхши аён бўлади.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси қатнашчиларининг сони ортиб, жуғрофияси кенгайиб бораётгани фақат бундан эмас. Ўзбекистон пахтаси ўзининг юксак сифати билан йилдан-йилга кенгроқ шуҳрат қозонмоқда. Унинг толаси узун ва пишиқ, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Бу йилги ярмаркада 35 мамлакатнинг юзлаб фирма ва компаниясидан 460 дан зиёд вакил қатнашгани ва бу рақам аввалги йилдагидан салкам икки баравар кўплиги Ўзбекистон пахтаси юқори сифатга эга эканлигининг яна бир халқаро эътирофидир.

Албатта, бундай сифат негизида мамлакатимиз пахтачилигида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мужассам. Ўзбекистонда пахта толасини тайёрлаш, сертификатлаш, сақлаш, ташиш, бозор талабларига қараб нархини белгилашга доир барча шарт-шароит яратилган. Агросаноат, фермерлик, механизация, мелиорация ва ишни ташкил қилиш мутлақо янги асосда олиб борилмоқда. Пахтачилик билан боғлиқ жараёнларнинг бутун механизми мунтазам такомиллашяпти. Барча бўғинларда энг замонавий технологиялар, ҳисоб-китоб услублари жорий этилиб, қулай транспорт йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.



(Давоми 2-бетда)

Сўз — ЎзХДП лидерларига

## «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ НАФАҚАТ БУ ЙИЛНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ, БАЛКИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАЁҚ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛИДАН БИРИ — КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИДИР».

**Мамлакатимизда 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг изчиллик билан амалга татбиқ этилаётганининг ёрқин исботидир. Бу йилнинг мазмун-моҳиятини электорат ўртасида тушунтириш, қабул қилинган Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида вилоят партия ташкилотларида қандай ишлар олиб борилмоқда? Мазкур йил вазифалари, партиямиз ғоя ва мақсадларини амалга оширишда ХДП фаоллари, кенгашлари, депутатларимизнинг ўрни қандай? Мухбиримиз ана шу каби саволлар билан Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида ЖЎРАЕВАга мурожаат этди.**

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузаси биз учун концептуал жиҳатдан муҳим тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилади, — дейди суҳбатдошимиз.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси — 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.
3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси**
**Раиси М.АБДУСАЛОМОВ**
*Тошкент шаҳри,*
*2007 йил 18 сентябрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Тошкентда 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

✧ ✧ ✧

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилангани ва 2007 йилнинг 21 сентябридан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасини тасдиқлаганини қайд этди. Хусусан, сайлов округлари рўйхатлари сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда 9 октябргача матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилади. Округ сайлов комиссиялари 14 октябргача, участка сайлов комиссиялари эса 13 ноябргача тузилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қонуннинг юқорида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси кузатувчиларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларнинг фаолияти учун зарур шароит яратади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига эркин, адолатли ва демократик сайловнинг қонун доирасида, очиқ, ошкора ва холисона ўтказилишини, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди. Сайлов комиссиялари Президент сайловига пухта тайёргарлик кўриш ва уни очиқ ҳамда ошкора ўтказилишини амалга оширади.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**(ЎзА)**

Таҳририятда

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётининг кўзгуси эканлиги барчага маълум. Биз журналистлар мамлакатда ва хорижда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ОАВда холис акс эттириш, таҳлил этиш, демократик янгиланишлар жараёнини кенг ёритиш, одамларни ташвишга солаётган масалаларни дадил кўтариб чиқиб, уларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишга масъулмиз. Аммо юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорликлар, инсон ва унинг манфаатларига қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни ёритиш ва моҳиятини очиб бериш, партиявий мавзуларда баҳс-мунозара юритишда оқсаётганимизни тан олмоғимиз ва тегишли хулосалар чиқармоғимиз зарур.

Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасида билдирилган фикрлар, илгари сурилган ғоялардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланиб, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятида ўтказилган йиғилишда ана шундай хулосага келинди.

Таҳририятнинг вилоятлар бўйича мухбирлари ҳам иштирок этган ушбу йиғилишда янги иш режаси, мавзулар аниқ белгилаб олинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар, янгиликлар, тобора чуқурлашиб бораётган демократик жараёнлар ҳақида таҳлилий мақолаларга эътиборни кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди. Айниқса, партиямиз мақсад-муддаосини тарғиб қилишга, тарафдорларини кўпайтиришга, электорат манфаатларини ҳимоялашга қаратилган мавзуларга алоҳида масъулият билан ёндошиш қайд этилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди. Демак, газеталаримиз ҳам ўзгариши, ўз қиёфасини, мазмун ва йўналишларини янгилаши давр талабидир.

Бу масала бўйича ҳам ижодий ходимларнинг фикрлари эшитилди, таклифлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Республика ҳудуди бўйича касалликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволашнинг ғоят муҳим воситаси сифатида диагностика хизматлари тармоғи ниҳоятда суст ташкил қилинган.

Скрининг-марказларнинг кенг тармоғи ташкил этилганига қарамай, бўлғуси оналарнинг соғлиғи ва ҳомиладорликнинг кечиши ҳолатини назорат қилиш тизими, айниқса, қишлоқ жойларда, сифат жиҳатдан яхшиланишни тақозо этади.

Юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш, аҳолини ОИВ/ОИТСдан ишончли ҳимоя қилиш бўйича санитария-эпидемиология тизими доимий, жиддий эътиборни ва унинг фаолиятини ташкил этишни тубдан яхшилашни талаб қилади.

Малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштиришга муҳтождир. Тиббиёт коллежларида кадрлар тайёрлаш сифати жиддий эътирозларга сабаб бўлмоқда, ана шу коллежларни замонавий ўқув-услубий ва лаборатория ускуналари билан мустаҳкамлаш талаб этилади.

Илмий-тиббиёт мактаби анча заифлашди, илмий тадқиқотлар ҳамда уларни даволаш-диагностика амалиётига татбиқ этиш ўртасида мустаҳкам алоқа йўқ. Кўпгина республика тиббиёт муассасаларининг барпо этилган юқори технологик моддий ва илмий базасидан тиббиёт ходимларининг малакасини оширишда суст фойдаланилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмани шакллантириш, касалликлар тарқалишининг зарур профилактикасини таъминлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини, ундан барчанинг баҳраманд бўлишини тубдан ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;

замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш;

тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш;

аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобига ошириш;

аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг-марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларининг моддий-техника базасини, айниқса, қишлоқ жойларда, янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 22 январдаги Ф-2658-сонли Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳининг 2007-2008 йилларда қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) ишлаб турган вилоят шифохоналари ва алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари негизида даволашнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, терапия, кардиология, урология ва бошқалар) бўйича тиббий хизматлар кўрсатувчи вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

б) ишлаб турган вилоят болалар тиббиёт муассасалари негизида болалар касалликларини даволаш учун вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари;

в) Нукус ва Тошкент шаҳарларида, шунингдек, ҳар бир вилоят марказида пуллик асосда фаолият юритадиган тиббий диагностика марказлари;

г) марказий туман (шаҳар) шифохоналари, тегишли ҳудудлардаги болалар ва катталар поликлиникалари негизида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ташкил этилиб, уларнинг зиммасига қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларга профилактика, санитария-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳамда соғлиқни тиклашга оид тиббий хизматлар кўрсатишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий ёрдам бериш вазифалари юкланади;

д) қуйидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини ташкил этиш:

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси ва аёлларнинг репродуктив саломатлик марказлари негизида акушерлик ва гинекология маркази;

Педиатрия илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизида педиатрия маркази;

Терапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш институти ва Гастроэнтерология илмий маркази ҳамда даволаш базаси негизида терапия ва тиббий реабилитация маркази;

Республика Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизида дерматология ва венерология маркази;

Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизида фтизиатрия ва пульмонология маркази;

Эндокринология илмий-текшириш институти ҳамда даволаш базаси негизида эндокринология маркази.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини амалдаги талабларга мувофиқ шакллантириш, жиҳозлаш ҳамда молиявий таъминлаш учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг Марказлар Кенгашлари билан биргаликда бир ой муддатда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва кардиология марказлари 2007 йилда, Республика ихтисослаштирилган урология маркази 2008 йилда ҳамда Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази 2011 йилда ўз-ўзини молиялаштириш ва ўзини-ўзи қоплаш шароитига тўлиқ ўтишнинг аниқ жадвалларини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Даварxитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда, халқаро стандартларнинг энг юқори талаблари ва қоидаларига жавоб берувчи вилоят диагностика марказларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда уларни уч ой муддатда кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси маъқулланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ вилоят диагностика марказлари қурилиши ёки реконструкция қилиниши, уларни зарур диагностика жиҳозлари, малакали кадрлар ва молиялаш манбалари билан таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

5. Қуйидагилар муҳим фаолият йўналишлари ҳисоблансин:

а) туман(шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида — касалликлар, энг аввало юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш, аҳолига сифатли бирламчи амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатиш, бирламчи шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бериш, беморларни стационарларда даволаш, шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларига, бошқа туман(шаҳар) муассасаларига ташкилий-услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

б) вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида — беморларни текширувдан ўтказиш, уларга юқори малакали тиббий-маслаҳат ёрдами кўрсатиш, касалликларнинг асосий йўналишлари (режали хирургия, терапия, кардиология, гинекология ва бошқалар) бўйича стационарларда даволашни ташкил этиш, шунингдек, вилоят тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологияларини татбиқ этишни услубий жиҳатдан таъминлаш;

в) соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида:

тиббий хизматлар кўрсатишда диагностика ва даволашнинг ягона стандартларини жорий этиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг уларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудларда жойлашган тиббиёт муассасалари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юқумли ва ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш;

оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишлари ўтказилишини ташкил этиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳажмларидан тушадиган даромадларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, 5 йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин.

8. 2013 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан ҳукумат қарорини тайёрласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри, 2007 йил 19 сентябрь*

# ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ, ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мутахассислар хорижда Ўзбекистон толасидан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар сони изчил ортиб бораётганини таъкидлашади. Бунда ҳам ярмарканинг аҳамияти катта. Эътиборга молик жиҳати шундаки, ишлаб чиқарувчилар билан бевосита олди-сотди муносабатлари ривожланиб бораётганига қарамай, трейдер компаниялар билан алоқалар кўлами ҳам кенгаймоқда.

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда пахтани истеъмол қилиш уни етиштиришдан кўра ошмоқда. Бу эса мавсумдан мавсумга ўтадиган жаҳон захираси ҳажми пасайишига сабаб бўлаётир. Шу жиҳатдан қараганда ҳам Ўзбекистон пахта ярмаркаси айни ўз вақтида ташкил қилинган форумдир. Яъни, бу мамлакатимизда жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришларга мос равишда ҳаракат қилинаётганидан далолатдир.

Форум якунида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев икки кун давом этган ярмарка доирасида элликдан зиёд шартнома имзоланганини ва ҳали савдо операциялари давом этаётганини таъкидлади. Бундан ташқари, ярмарка қатнашчилари Ўзбекистон товар-хомашё биржасининг савдо сессияларида қатнашиб, қўшимча тола харид қилдилар.

Ярмарка қатнашчилари Ўзбекистон пахтачилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самараларни бевосита кўриш имкониятига эга бўлдилар. Улар Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, «Тошкент-Тола» пахта терминали, Чирчиқдаги «Бурсель-Тошкент текстиль» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолияти билан танишдилар.

Форумнинг ёпилишида сўзга чиққан Хитойнинг «Tianjin Cotton Exchange Market» компанияси бош ижрочи директори Би Южань хоним, Бангладеш Тўқимачилар уюшмаси раиси Ашраф Ҳусайн, «Cotton Outlook» журнали бош муҳаррири Рей Батлер ва Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ижрочи директори Терри Таусенд ва бошқалар Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган стратегиянинг амалий самараси эканлигини, ярмарка юксак савияда ташкил қилинганини таъкидладилар. Барча қатнашчилар Ўзбекистон билан ҳамкорликни бундан буён ҳам изчил давом эттиришга тайёр эканлигини қайд этдилар.

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги мавқеи изчил юксалиб, ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётганини, пахтамизнинг сифати ва харидоргирлиги ошаётганини яна бир бор тасдиқлади.



**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**
**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

# ЯРМАРКА ИШИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**ЎзА мухбирлари III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларининг таассуротлари билан қизикди.**

**«Cotton Outlook» журнали бош муҳаррири Рей БАТЛЕР:**

— Ярмарканинг юксак савияда ташкил этилгани пахта саноати мутахассисларини жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтирди. Журналимиз дунё мамлакатларида ишлаб чиқарилган пахта толаси мониторингини олиб боради. Ўтказилган ана шундай мониторинг натижаларига биноан айтишим мумкинки, ўзбек пахтасининг сифати ва харидоргирлиги муттасил ортиб бормоқда. III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунё пахта бозорининг барча йирик иштирокчилари қатнашгани бунинг ёрқин далилидир.

**Ҳиндистоннинг «Sri Salasar Balaji Agro Tech» компанияси бошқарувчи директори Дираж Кумар КЕТАН:**

— Анъанавий Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида қатнашганимдан беҳад мамнунман. Ўзбек пахтасининг сифат кўрсаткичлари ҳамда сотилиш шартлари бизга жуда маъқул бўлди. Энди ўзбек толасини «учинчи қўл»дан эмас, бевосита уни етиштирувчилар билан тузилган шартномалар асосида сотиб оламиз.

**Хитойнинг «Tong Zhou Cotton Trade» компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Хуан Хун ИЮЙ:**

— Тошкентда ўтган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатингизнинг жаҳон пахта бозорида энг етакчи ўринлардан бирида эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Жаҳон бозорида талаб юқори бўлган ўзбек пахтасининг юксак сифати юртингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бераётган самараларнинг ёрқин намоёнидир. Биз ўзбекистонлик шерикларимиз билан анча йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Ўзбек пахтаси Хитой саноати талабларига тўлиқ жавоб беради. 2006 йилда қирқ минг тоннага яқин пахта толаси сотиб олган эдик. Жорий йилда янада кўпроқ харид қилиш ниятидамиз.

**Швейцариянинг «Cotton, Wool and Fibres Agricultural Services» компаниясининг бизнес-менежери Бруно ВИДМЕР:**

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида ҳар йили дунёнинг кўплаб мамлакатларидан энг йирик пахта истеъмолчилари, харидорлар тўпланади. Бу Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги мавқеи ортиб бораётганидан далолатдир. Зеро, Ўзбекистон пахтаси юқори сифати билан ажралиб туради. Сафаримиз давомида «Бурсель-Тошкент текстиль» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси фаолияти билан яқиндан танишдик. Шу аснода биз Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самараларни кўрдик. Ўзбекистонда барча соҳалар қатори мазкур тармоқ ҳам жадал ривожланаётганига ишонч ҳосил қилдик.

**Бангладешнинг «Global Cotton» компанияси раҳбари Меҳди Ал МАЪСУД:**

— Компаниямиз ўн йилдан буён ўзбек пахтасини сотиб олади. Харидимиз ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Бу галги ярмарка биз учун жуда самарали бўлди. Пахта харид қилиш бўйича ўзаро манфаатли шартнома имзоладик. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланади, деб умид қиламиз. Жаҳон пахта бозорида катта воқеага айланган ушбу ярмарка якунлари ҳамкорлигимизнинг янада ривожланишига ишонч уйғотди.

**ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди.**

ЎзХДП вилоят кенгашларида

# ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

**МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚИШИДА МУҲИМ ОМИЛДИР, ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ЎЗХДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ДАВРА СУҲБАТИДА**

Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, демократик янгиланишлар жараёнида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ролини янада кучайтириш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш ҳамда партия электорати манфаатларини ифода этиш масаласи фаоллар томонидан кенг муҳокама этилди. Давра суҳбати «Ҳамма нарса инсон учун, унинг порлоқ келажаги учун» мавзуига бағишланди. Президентимизнинг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузасини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш бўйича ЎзХДП ташкилотлари, депутатлик тузилмаларининг ташкилий-сиёсий тадбирлари дастури қабул қилинган эди. Иштирокчилар мазкур дастурни амалга ошириш масаласи ва Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқадиган бошқа долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси О.Мадаминова, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Андижон вилоят филиали раҳбари Т.Каримов, филиал масъул ходимлари А.Қориев, Қ.Одилов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Эгамов, ЎзХДП Пахтаобод, Избоскан туман кенгашлари раислари Х.Саидов, Қ.Хўжаева ва бошқалар Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг халқ оммасига чуқур тушунтириш юзасидан қатор таклифларни илгари сурдилар. Билдирилган мулоҳазалар асосида ЎзХДП Андижон вилоят ташкилотлари ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти фаолларининг ҳамкорлигида жойларда учрашув, мулоқот, давра суҳбатлари ташкил этишнинг аниқ режалари белгиланди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

# «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ НАФАҚАТ БУ ЙИЛНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ, БАЛКИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАЁҚ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ БЕШ ТАМОЙИЛИДАН БИРИ — КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИДИР».

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Унда ўтган давр мобайнида юртимизда олиб борилган ислоҳотлар, бунёдкорлик, яратувчилик ишларининг моҳияти чуқур очиб берилди. Бундан Юртбошимизнинг барча ташаббуслари, хайрли ишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бевосита халқимиз фаровонлигини, муносиб ҳаёт кечиришини, жаҳондаги ҳеч бир халқдан кам бўлмай яшашини таъминлашга қаратилганлигини яна бир бор чуқур англаш мумкин.

Биргина кейинги йиллардаги айрим хайрли ишларни олиб кўрайлик. Мамлакатимиз раҳбарининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шароитини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Бу Фармон айни пайтда партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда бизга жуда қўл келмоқда. Вилоятимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий дастури ишлаб чиқилган. У барча бошланғич партия ташкилотларига етказилди. Шаҳар ва туман партия кенгашлари унинг ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мустақил давлатимиз 16 йилда босиб ўтилган машаққатли, самарали йўл ва унинг давомида эришилган улкан ютуқлар, мазкур йилнинг мазмун-моҳияти, мақсади, ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг аҳамияти хусусида электорат орасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бораяпмиз. Бунда энг аввало, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими машғулотлари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қаноти имкониятлари, кучига таянаяпмиз. Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатларимиз ҳам ҳар доим бизга кўмак бериб келаяптилар.

**— Вилоят партия ташкилотлари, депутатларнинг бу борадаги фаоллиги кўпроқ қайси ишларда ўз аксини топаяпти?**

— Энг аввало, «Ижтимоий ҳимоя йили» дастурининг жойларда қандай бажарилаётгани бўйича мунтазам равишда мониторинг юритаяпмиз. Бу эса айни пайтда партиянинг қуйи бўғинларида бажарилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, депутатларнинг ташаббускорлигини янада ошириш имконини бераяпти. Бухоро шаҳри, Қоракўл, Ромитан, Вобкент, Ғиждувон туман партия кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлардан электоратимиз вакиллари миннатдор бўлишмоқда. Ҳар бир байрам, саналарда якка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга имкон қадар мадад бериш, иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ногиронларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари билан таъминлаш ишлари ҳомийлар кўмагида амалга оширилаяпти.

Бухоро шаҳридаги 4-болалар поликлиникаси, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва қатор эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик қилаётганимиз, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаётганимиз, вилоятда янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш борасида фаолият олиб бораётганимиз билан чекланиб қолаётганимиз йўқ.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши бежиз эмас. Улар давомида ҳаётимизда долзарб бўлиб турган кўплаб ижтимоий масалалар ўз ечимини топаяпти. Масалан, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш нафақат бу йилнинг энг долзарб вазифаси, балки мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз томонидан белгилаб берилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири — кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодасидир.

Партиямиздан вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган 116 нафар депутат «Ижтимоий ҳимоя йили» дастури ижросини таъминлашга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи директори Шамшиддинхўжа Сайдаҳмедов, «Бухорочорвамаҳсулот» МЧЖ раиси Қаҳрамон Бекмуродов, Шофиркон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Шуҳрат Тўраев, «Бухороиқурилиш» тресги бошқарувчиси Анвар Камолов, Жондор пахта тозалаш заводи директори Меҳмонкул Янгиев, Қоракўл туманидаги «Қоракўл» ширкат хўжалиги раиси Абдураҳмон Абдуллаевлар алоҳида фаоллик кўрсатмоқдалар. Шаҳар ва туман Кенгаши депутатларининг аксарияти электоратимиз манфаатлари йўлидаги ташаббуслар билан чиқаётгани кўпчиликни қувонтирмоқда.

**— Шу ўринда вилоятнинг барча ҳудудида ишлар ана шундай яхши ташкил этилган, дея оласизми?**

— Ишларимиз ҳаммаси яхши, демоқчи эмасман, албатта. Айрим депутатлик гуруҳларимиз маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига мавжуд муаммовий масалаларни кам олиб чиқаяптилар. Яна бир жиҳат. Маҳалла — кўпгина ижтимоий муаммолар ечим топадиган маскан. Вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг 43 фоизини ЎзХДП аъзолари ташкил этади. Шундай экан, ўз-ўзини бошқаришда жамоатчиликнинг ўрни ва роли беқиёс. Буни яхши англаган Бухоро шаҳар маҳаллалари фаоллари ижтимоий ҳимоя борасида яхши тажриба тўпладилар. Шундан бўлса керак, гузарлар обод, маҳаллалар тинч, одамлар ўртасида меҳр-оқибат мустаҳкамланиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб турли маданий-маърифий, хайрия тадбирлари кўплаб ўтказилмоқда. Бунга Вобкент, Ғиждувон, Шофиркон каби қатор туманлардаги қишлоқларда ҳам гувоҳ бўлганмиз. Зеро, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган эзгулик, меҳр-мурувват ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш бизнинг жонкуярлигимиз, фаоллигимизга боғлиқ.

**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**
**Даврон БАҲРОНОВ**
**суҳбатлашди.**

